

Xabar

45
(946)-son

5-noyabr

www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz

2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqq boshlagan

Юксакликка интилганлар учун

Шу йилнинг 4-5 ноябр кунлари пойтахтимиздаги "Кўргазма Савдо маркази"нинг кўргазмалар залида кооперацион биржа шаклида "Алоқабанк – юксакликка интилганлар учун" деб номланган кўргазма ташкил этилди. Ушбу тadbир очик акциядорлик тижорат "Алоқабанк"нинг 15 йиллиги муносабати билан уюштирилди.

Кўргазмани ўтказишдан асосий максал — ОАТ "Алоқабанк" билан мижозлар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустахамлаш, уларнинг тadbиркорлик фаолиятларини баркарорлаштириш, шунингдек, мижозларнинг муштараклиги ва ҳамжихатлиги, ишлаб чиқарётган махсулотлари, товарлари ва кўрсатаётган хизматларига жамоатчиликнинг эътиборини каратишдан иборатдир. Ушбу тadbирда иштирок этиш учун республикамизнинг барча худудларидан банкнинг юздан ортик мижозлари ташриф буюриб, ўз хизмат ва махсулотларини намойиш этдилар.

3-бет



Сўнгги янгилик!

Корея компаниясининг пластмасса чиқиндиларидан телефон ишлаб чиқара бошлаши "яшиллар"ни хурсанд қилди. Samsung Evergreen телефонини сотиб олган одам экология учун хизмат қилган ҳисобланади, дейишмоқда улар.

Мобил телефоннинг техник характеристикасига келсак, унинг ҳаракатланувчи QWERTY-клавиатураси, 2,4 дюйм диагоналли экрани, 2 мегапикселли камера, Bluetooth 2.1 адаптери, microSD ва ҳатто GPS-приёмниги мавжуд.



Алоқа оламида:

Ушбу сонда:

- Кенг полосали уланиш 2
- Қонунга риоя қилишни ўрганайлик 4
- Роль логистики в электронной-коммерции 6
- Болқон мамлакатларида почта 11
- Маънавий бойлик 13

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ХАМКОРИМИЗ

UzNet
Internet Service Provider

сифат рамзидир

Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2 ноябр куни Оқсаройда Эстония Республикаси Бош вазири Андрус Ансипини қабул қилди.

Оқсаройдаги учрашувда ўзаро муносабатларни ривожлантириш истикболларига оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Жойларда 2010 йилнинг тўққиз ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга оширишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилмоқда. Ана шундай йиғилишлар Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Наманган вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб ўтди.

29 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2009 йил 27 мартдаги “Инқирозга қарши чораларнинг 2009–2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги тўғрисида”ги қарорини бажаришнинг бориши ҳақида”ги 2009 йил 5 декабрдаги қарорининг ижро этилиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Гулистон давлат университетиде Сирдарё вилояти ҳокимлиги ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамкорлигида Президентимиз Ислам Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида сўзлаган нутқини ўрганишга доир давра суҳбати ўтказилди.

Тошкент шаҳрида Ривожланиш ва ҳамкорлик бўйича халқаро “Oxfam Novib” (Нидерландия) ташкилотининг тақдироти бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикаси марказий банки ва БМТ Тараққиёт дастурининг “Микромолиялаштириш тизимини қўллаб-қувватлаш” қўшма лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

“Ўзэкспомарказ” миллий кўرғазма компаниясининг Халқаро савдо марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамкорлигида семинар ташкил этилди. Ушбу анжуманда Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирликлар ҳамда Савдо-саноат палатаси вакиллари иштирок этди.

Жорий йилнинг 1 ноябрдан 1 декабр санасига қадар республика-мизда “Қандил диабет ойлиги” эълон қилинди. Мазкур талбир Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика хотин-қизлар қўмитаси, Ички ишлар ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кеча Тошкентдаги «Пойтахт» бизнес марказида «Кенг полосали уланишни жорий этиш. Муаммолар ва ечимлар» мавзусидаги икки кунлик халқаро анжуман ўз ишини бошлади. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, “UNICON.UZ” ДУК, Радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти ҳамкорлигида ташкиллаштирилган мазкур анжуманда алоқа ва ахборотлаштириш тизими раҳбарлари ва ходимлари, МДХдан мутахассислар, мамлакатимизда АКТ соҳасида фаолият кўрсатаётган хорижий фирма ва компаниялар, жумладан, телекоммуникация жихозлари ва телекоммуникация телеоператорларининг энг етакчи ва йирик етказиб берувчилари вакиллари иштирок этди. Анжуманда Агентлик Бош директори ўринбосари Асаджон Хўжаев катнашди ва маъруза қилди.

Кенг полосали уланиш

Муаммо ва ечимлар муҳокама қилинди



Анжуман кенг полосали уланиш технологияларини ривожлантириш ва жорий этишга тўққинчи қилаётган муаммоларни аниқлаш; қатнашувчиларга кенг полосали уланиш тармоқларини ривожлантириш соҳасидаги ҳамда кенг полосали уланиш технологияларини ривожлантириш ва жорий этишнинг долзарб жиҳатлари борасида энг сўнгги ахборотларни тақдим этиш мақсадида ўтказилди.

Бугунги кунда кенг полосали уланиш технологиялари замонавий иқтисодийнинг асосий инфратузилмаси сифатида кенг тараққий этиб, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Кенг полосали технологиялар энг замонавий иловалар ҳамда АКТ хизматлари, жумладан, электрон ҳукумат, соғлиқни сақлаш, таълим иловалари ва хизматлари билан уйғунлашган ҳолда ишлайди. Шундай қилиб, кенг полосали технологиялардан фойдаланиш имконияти иқтисодий ўсишни таъминлаб, ижтимоий мулоқот ва таълимнинг ривожланишига қўмаклашади.

Кенг полосали уланиш инфратузилмасига киритилаётган инвестициялар ҳажмининг ошириб бориши жаҳонда, жумладан, Ўзбекистон миқёсида кузатишмоқда. Шунга қарамасдан, мамлакатимиздаги кенг полосали уланиш хизматлари-га бўлган эҳтиёжнинг кўрсаткичлари-ни қониқарли деб бўлмади.

Конференция доирасида кенг полосали уланиш технологияларини жорий этишнинг ҳозирги ҳола-

ти; кенг полосали уланишни жорий этиш билан боғлиқ масалалар ва имкониятлар; кенг полосали уланиш соҳасида тартибга солиш сиёсати ва оператор имкониятлари; кенг полосали уланиш технологияларини ривожлантириш тенденциялари; кенг полосали уланиш технологияларини жорий этиш истикболлари; кенг полосали уланиш технологиялари ёрдамида рақамли узиллишни бартараф этиш ва кенг полосали уланиш хизматларини универсallaштириш; кенг полосали технологиялар бозори имкониятлари ва вазифалари атрофича муҳокама қилинди. Хусусан, “UNICON.UZ” ДУК бўлим бошлиги Кирилл Балов “Ўзбекистонда кенг полосали уланишнинг ривожланиш технологиялари”, Nokia Siemens Networks маҳсулотлар маркетинги менежери Майк Браун (Германия) “Фойдаланувчилар тажрибасини ошириш учун телекоммуникация бизнесида зарурий ўзгаришлар”, Nokia Siemens Networks ишланмалар менежери Игор Шербак (Украина) “Nokia Siemens Networks ишланмалар базасида кенг полосали уланишнинг ривожланиш тенденцияси ва истикболлари”, ZTE корпорациясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бўлим бошлиги Тимур Маматхўжаев “ZTE FTTx – хаёлот ва ишланмалар”, Alcatel-Lucent менежери Леонид Козляев (Москва) “EVDO Rev A ва Rev B стандартларининг ривожланиш истикболлари”, Ericsson савдо-сотикни ривожлан-

кенг полосали тармоқлардан фойдалана олишни таъминлаш мақсадини эълон қилди, — дейди “UNICON.UZ” ДУКнинг алоқа ва ахборотлаштириш илмий-тадқиқот департаменти бошлиги Асилжон Мирҳабибов. — Универсал кенг полосали фойдалана олишни ривожлантириш бўйича ITU-D тадқиқот комиссияси алоҳида масалага бағишланган, яъни 2010 йилда Мингйилликнинг мақсадларига эришишни қўллаб-қувватлашда кенг полосали фойдалана олишни ривожлантириш бўйича комиссия тасдиқланган, унинг асосий вазифаси дунёда кенг полосали фойдалана олишни универсallaштириш бўйича тавсиялар, йўللар ва амалий қарорларнинг йиғиб чиқиш ҳисобланади. Ҳайманки, бугунги анжуман муҳокама қилинаётган соҳанинг ривожига хизмат қилади.


Халқаро анжуманнинг бугунги иш куниде ҳам кенг полосали уланиш масаласидаги жуда кўплаб, жумладан, Ўзбекистонда кенг полосали алоқа тизимининг ривожланиш истикболлари, симсиз уланиш тармоғи тоифалари, Ўзбекистонда ва дунёда кенг полосали уланиш тизимини ривожлантириш учун радиочастота спектри, кенг полосали тармоқ бўйича интерактив телевидение, симсиз кенг полосали тармоқда мултимедиа контент, кенг полосали тармоқ орқали мобил алоқа каби мавзулар ўртага ташланиб, муҳокама қилинди.

Усмоножон Йўлдошев,
“Xabar” мухбири

XALQARO ANJUMAN

тириш мутахассиси Андрей Павловский (Украина) “Ўзбекистонда FTTH тармоғи истикболлари ва технологиялар, ривожланиш стратегияси” мавзуларида маърузалар қилишди.

— 2010 йилнинг 19 сентябрида Мингйилликни ривожлантириш мақсадларига бағишланган БМТ Саммити доирасида ITU Бош қотиби Хамадун Туре 2015 йилда асосий фуқаролик ҳуқуқларидан бири сифатида дунё аҳолисининг ярми



Юксакликка интилганлар учун

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Кўрғазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Х.Муҳитдинов, ОАТ “Алоқабанк” раиси К.Ирисбекова, банк ходимлари ва мижозлари ҳамда фахрий меҳмонлар иштирок этишди.

“Бугунги ажойиб тadbир муносабати билан шу ерда йиғилган барча инсонларни чин қалбимдан муборакбод этаман, — деди А.Арипов. — Бундан 15 йил аввал Вазиrлар Маҳкамаси қарори билан янгидан ташкил қилинган “Алоқабанк” бугун мамлакатимизнинг йирик молиявий муассасасига айланди. Албатта, бунинг замирида муҳтарам Президентимизнинг республикамизда молиявий бозорни янада ривожлантириш, такомиллаштириш, унинг ролини оширишга бўлган эътибори, саъй-ҳаракатлари ётади. Агар рақамларга тўхталадиган бўлсак, “Алоқабанк” ташкил топган вақтда унинг Низом жамғармаси 4 млн. сўмни ташкил этарди, ҳозир бу кўрсаткич 43 млрд. сўмга етди. Ҳозирги кунда “Алоқабанк”нинг вилоятларда филиаллари, 22 минибанки, 82та жамғарма кассаси ва бир нечта валюта айрбошлаш шохобчалари ишлаб турибди. Унинг мижозлари сони 110 минг нафардан ошди. Агар авваллари фақат алоқа ва ахборотлаштириш соҳаларида хизмат кўрсатилган бўлса, бугунги кунда иқтисодиётимизнинг барча тармоқларига “Алоқабанк” хизматлари кириб борган. Бундай ўсиш Россия ва Европанинг йирик банклари эътиборини ҳам жалб қилмоқда. Улар орасида “Алоқабанк” акциядорларига айланишни истовчи банклар ҳам мавжуд.

Бу — “Алоқабанк” фаолиятига бўлган ишончдан далолат. Тадбирнинг ушбу шаклда ўтказилиши ҳам мазкур банкнинг ўзига хос иш услубига эга эканлигини кўрсатади. 15 йиллик юбилейнинг шундай кўрғазма шаклда ўтказилиши мижозларнинг ўз маҳсулотларини намоиш этиши, ўзаро ҳамкорлик, улар ўртасида кооперацион муносабатларни ўрнатиш ва мустаҳкамлаш имконини беради. Мижозларнинг ривожланиши эса банк ривожланиши демакдир. Яна бир бор барчангизни табриклаб, кўрғазма фаолияти билан танишишга таклиф этаман.”

Очилиш маросимидан сўнг иштирокчилар кўрғазма стендлари билан танишдилар.

Кўрғазмада банкнинг барча филиаллари ва уларнинг мижозлари фаолияти билан танишиш имкони тугилди. Улар орасида соҳамизнинг йирик ташкилотлари — “Ўзбектелеком” АК, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ, «UNICON.UZ» ДУК, «Матбуот тарқатувчи» АК, «Алском» суғурта компанияси, “Радиоалоқа, радиоэшитириш ва телевидение маркази” ДУК каби корхоналардан тортиб, турли хусусий ва қўшма корхоналар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги “Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармойишига асосан банк балансига олинган корхоналар бор. Шундай корхоналардан бири — “Фаргона чарм полимер” директори Бахтиёр Казимовнинг таъкидлашича, корхонага “Алоқабанк” томонидан 9 млрд. сўм миқдоридида сармоя киритилиши режалаштирилган. Шу вақт мобайнида киритилган сармоя асосида учта масъулияти чекланган жамият тузилди ва 70дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Лойиҳа тўлиқ амалга

оширилгач, 350 киши иш билан таъминланади.

“Алоқа Дизайн” корхонаси алоқа корхоналарига махсус иш кийимларини тайёрлаш билан шуғулланади.

“Корхонамиз 2007 йили ташкил этилган бўлиб, муассисларимиз ҳисобланмиш “Ўзбектелеком” АК ва “Ўзбекистон почтаси” ОАЖга ходимлар учун махсус кийимлар тайёрлаш билан шуғулланади, — дейди “Алоқа Дизайн” директори Султонмурод Парпиев. — Шу йилнинг 10 ойи ичида 26 миллион сўмлик маҳсулот сотдик. Корхонамиз “Алоқабанк” мижозини ҳисобланади.”

Кўрғазмада “Алоқачи-чорва-наслчилик” МЧЖ, “Алоқачи Агро” каби чорвачилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар ҳам ўз маҳсулотларини намоишга қўйишган.

“2009 йили ташкил этилган корхонамиз иссиқхоналарда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланади, — дейди “Алоқачи Агро” ҳисобчиси Фазлиддин Халилов. — Икки гектарлик иссиқхонани ташкил этиш учун “Алоқабанк”дан 1 млрд. 600 миллион сўмлик кредит олганмиз. Ҳозирда яна Корея технологияларига асосланган 3,2 гектарлик иссиқхонани ишга тушириш арафасида турибмиз. Бу ишларни амалга оширишда, албатта, “Алоқабанк”нинг ҳиссаси жуда катта.”

Банкнинг вилоятлардаги филиаллари мижозлари қаторида намунавий қишлоқлар қурилишида иштирок этётган корхоналар, гилам фабрикалари ва бошқа бир қатор ишлаб чиқариш корхоналари бор.

Банк ўз фаолияти давомида “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” тамойилига амал қилади. Кўрғазма доирасида “Мижозлар клу-

би”га асос солинганлиги бундан далолат беради. Бу — мижозларнинг инновация лойиҳалари, товарлари ва хизматларининг бозорларга кириб бориши учун уларни қўллаб-қувватлаш, ҳамкорлик қилишга шарт-шароитлар яратиш борасидаги яна бир амалий қadamдир.

Кўрғазма доирасида «UNICON.UZ» давлат унитар корхонаси иштирокчилар учун “Интернет-банкнинг” тизимида ахборотларни муҳофаза қилишнинг криптографик омиллари ва “Ахборотларни муҳофаза қилиш тизими” мавзуларида семинар ташкил этди.

Эътиборлиси, кўрғазмада омонатлар, пластик карточкалар, халқаро пул ўтказмалари ва “Интернет-банкнинг” бўйича викторина ва акциялар ўтказилди. Уларда кўрғазмага ташриф буюрганлар муайян вақт мобайнида банкнинг кўпгина турдаги замонавий хизматларидан фойдалана олиш имкониятидан баҳраманд бўлишди.

Шунингдек, кўрғазма доирасида давра суҳбати ҳам бўлиб ўтди. Унда мижозлар, банк мутахассислари ва республикамизнинг бошқа кўплаб ташкилот ва идораларининг ходимлари иштирок этишди. Мунозара шаклида бўлиб ўтган бу мулоқотда “Алоқабанк” фаолиятида замонавий банк хизматларини янада такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.

Маҳсулот ва товарлар харид қилиш ҳамда хизматлардан фойдаланиш истиагини билдирганларнинг барчасига шартномалар тузиш имконияти яратиб берилди.

Кўрғазманинг тантанали ёпилиш маросимида турли номинацияларда голибарга соврин ва дипломлар топширилди.

Лутфилло ТУРСУНОВ



Xalqaro haqot



СЕРБИЯДА ЗИЛЗИЛА

Сербияда 5,3 баллга тенг ер қимирлаши содир бўлди. АҚШ Геология хизмати (U.S. Geological Survey) маълумотига кўра, зилзила маркази мамлакат пойтахти Белграддан 125 километр жанубда аниқланган.

Ўз навбатида, Сербия давлат телевидение-си кучли зилзила Кралево (Kraljevo) шаҳрида ҳам содир бўлгани ҳақида хабар тарқатди. Бу шаҳарда биноларга, электр ва сув тармоқларига зарар етган. Ҳалок бўлганлар борасида ҳозирча маълумотлар йўқ.

Афғонистон: "ҲАМКОРЛИК КИЛИШГА ТАЙЁРМИЗ"

Афғонистон ташқи ишлар вазири Залмай Расул Туркияга қилган ташрифи чоғида террорчилик, наркотик савдоси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда минтақавий ҳамкорликни кучайтириш кераклигини маълум қилди.

"Афғонистон: минтақавий иқтисодий ҳамкорлик" деб номланган анжуман доирасида Туркиянинг Богазичи университетиди йигилиш ўтказилди. Йигилиш очилишида сўз олган Залмай Расул ўз мамлакатни Марказий ва Жанубий Осиё ҳамда Узоқ Шарқ мамлакатлари ўртасида замонавий Ипак йўли сифатида иштирок этиши мумкинлигини таъкидлади.

Шунингдек, у иқтисодий ҳамкорлик муносабатларига келажакка катта ишонч билан қараётганига алоҳида ургу берди. Залмай Расул йигилишларга юзланиб шундай деди: "Биз билан шартнома тузишда давом этинг. Биз сизлардан террорчилик, наркотик савдоси ва уюшган жиноятчиликка қарши самарали чоралар кутиб қоламиз. Жаҳонда ва минтақала барқарорлигини таъминлаш режаси бўйича биз сизларнинг таклифларингизни эшитишга тайёрмиз".

БАҒДОДДА ПОРТЛАШ

Associated Press тарқатган хабарга кўра, Бағдодда содир этилган бир неча портлаш натижасида 35 киши ҳалок бўлган, 80 нафар одам эса жароҳатланган. Портлашлар шаҳарнинг асосан шиалар истиқомат қиладиган еттига туманида амалга оширилган.

КОНГРЕСС САЙЛОВЛАРИ ЯКУНЛАНДИ

АҚШда Конгресс учун сайловлар ниҳоясига етди. Ҳукумат палатасида демократлар кўп ўрин олгани маълум бўлди. Нэнси Пелоси ўрнига республикачи Жон Бейнер спикерлик лавозимини эгаллади. У республикачиларнинг галабаси — бу президент Барак Обаманинг "курсини ўзгартиришни" ағлатишини маълум қилиб ҳам улгурди.

ХАВФСИЗЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ ЗАРУР

Оқ уй вакилининг маълум қилишича, АҚШ президенти Барак Обама Яман президенти Али Абдулла Солиҳ билан телефон орқали қилган суҳбатда ҳаво трансporti хавфсизлиги чораларини кучайтириш зарурлигини таъкидлаган. Бу Ямандан турли авиа-йўналишларига жўнатилган бир неча жўнатмаларда портловчи моддалар аниқлангани ҳолати билан боғлиқдир.

ЕВРОПАДА ЯНГИ БЛОК

Европада янги ҳарбий блок шаклланаётганга ўхшайди. Буюк Британия ва Франция ҳарбий соҳада ҳамкорлик қилиш ҳақида шартнома қўл қўйишган.

Шартнома икки давлат бирлашган экспедиция корпусини ташкил этишга, қуролларнинг янги турини биргаликда ишлаб чиқаришга ва ядро соҳасида ҳамкорлик қилишга қаратилган. Кузатувчилар мазкур шартномани мислсиз ҳодиса сифатида баҳоламоқда.

Интернет материаллари асосида
У. ЙУДДОШЕВ тайёрлади

Давлат алоқа инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 июлдаги 293-қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида почта ва телекоммуникациялар хўжалик юритувчи субъектлари фаолияти устидан давлат назорати бўйича Давлат алоқа инспекцияси тўғрисида Низом"га мувофиқ алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларда соҳага оид қонунлар, давлат ва соҳа стандартлари, норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши, кўрсатилаётган хизматлар сифати ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларининг химоя қилиниши борасида давлат назорати органи хисобланиб, ушбу Низом, Агентлик хайъати қарорлари, буйруқ ва фармойишлари асосида фаолият юритиб келмоқда.

Қонунга риоя қилишни ўрганайлик

Давлат алоқа инспекцияси ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ республика ҳудудида жойлашган почта ва телекоммуникациялар тармоқларида лицензиялар шартларининг бажарилиши, алоқа хизматлари параметрлари ва сифат кўрсаткичларининг амалдаги нормаларга мувофиқлиги бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширишлар ўтказди.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши томонидан тасдиқланган 2010 йил текширишлар режа-жалдвалига асосан Давлат алоқа инспекцияси томонидан жорий йилнинг 7 ойи лавомида 16та хўжалик юритувчи субъектлар текширилган.

Мазкур текширишларнинг 7таси телекоммуникациялар хизматини кўрсатувчи корхоналарда, 7таси телерадио дастурларни шакллантирувчи корхоналарда, 2таси лойиҳалаш ва қуриш хизматини кўрсатувчи корхоналарда, 2таси маълумотлар узатиш хизматини кўрсатувчи корхоналарда ўтказилди. Унда аниқланган камчиликлар юзасидан кўрсатмалар берилиб, бажариш жараёни назоратга олинган, тўрт нафар мансабдор шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 152 модда, 1-қисмига асосан 979680 сўм жарима қўлланилди.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрдаги "Радиочастота спектри тўғрисида"ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йил 23 декабрда

1532-сон билан рўйхатга олинган Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиш (бериш), лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш), ишлатиш ҳамда чет элдан олиб кириш тартибига риоя қилиниши устидан назоратни ташкил этишда вазирликлар ва идораларнинг ҳамкорлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ Электромагнит мослашув маркази, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ҳудудий бошқармалари томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар

97 марта "Очиқ эшиклар куни" тадбирлари ўтказилиб, иштирок этган 750 тадбиркор ва фуқароларнинг 311та муаммоли масалалари кўриб чиқилиб, ижобий жавоблар берилди. Оммавий ахборот воситаларида 53 бор чиқишлар қилинган.

режасига мувофиқ РЭВ ва ЮЧҚларни ноқонуний ишлатилишининг олдини олиш мақсадида 225та рейд ўтказилди ва натижада 632та радиоэлектрон воситалар ноқонуний ишлатилаётганлиги аниқланди, 57 шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Лицензиясиз ишлаётган интернет-кафе, IP-телефон, алоқа хизматлари ва бошқалар) хўжалик юритувчи субъектларни аниқлаш мақсадида республика бўйича 122та тадбир ўтказилган. Ушбу тадбирлар натижасида 22та хўжалик юритувчи субъектлар лицензиясиз ишлаётганлиги аниқланиб, тўртта кўрсатма берилган ва 11та ҳужжатлар тўплами судга тақдим этилган. Ўтказилган текшириш, ўрганиш ва рейдлар ҳамда шикоятларни ўрганиш натижаларига асосан алоқа соҳасига

оид қонун ва норматив ҳужжатлар талабларини бузган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 151, 152-моддаларининг 1-қисми ва 153-моддаларига асосан Давлат алоқа инспекцияси ва унинг таркибий бўлинмалари томонидан 74 шахсга нисбатан 11869470 сўм миқдорда маъмурий жазо чоралари қўлланилган бўлиб, булардан 42 нафари мансабдор шахс (8741760 сўм) ва 32 нафари жисмоний шахс (3127710 сўм)дир.

Ушбу ҳолатлар корхона барларининг ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишни ўз

ҳолига ташлаб қўяётганликлар ва фуқароларимизнинг оммавий ахборот воситалари орқали бериб борилаётган эълонларга этибор бермасликлари, қонун ва норматив ҳужжатлар билан юзаки танишиши ҳамда улар талабларини билмасликлари оқибатида вужудга келмоқда.

Давлат алоқа инспекцияси томонидан ўтказилган тадбирлар, чиқарилган буйруқ ва фармойиш ҳамда берилган топшириқлар тадбиркорлик субъектлари ўртасида профилактика ишларини ташкил этишга алоҳида аҳамият берилиши, текширишларни тартибга солишга доир қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилишига қаратилганини таъкидлаш лозим.

Кўрилган чора-тадбирларга мувофиқ 2010 йилнинг 7 ойи мобайнида бевосита

жойларга чиқиб 266та субъект билан тушунтириш ишлари олиб борилган, ўтказилган семинарлар сони 145тани ташкил этиб, ушбу семинарларда 1094 тадбиркор иштирок этишди. 97 марта "Очиқ эшиклар куни" тадбирлари ўтказилиб, иштирок этган 750 тадбиркор ва фуқароларнинг 311та муаммоли масалалари кўриб чиқилиб, ижобий жавоблар берилди. Оммавий ахборот воситаларида 53 бор чиқишлар қилинган.

Фаолият жараёнида камчиликларга йўл қўймаслик учун қонун ва норматив ҳужжатлар талабларини яхши ўзлаштириб иш юритсак мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Р.АЛАВУТДИНОВ,
ДАИ ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва махсус ишлар бўлими бошлиғи

АКТ соҳасида суғуртанинг ўрни

Ахборот-коммуникация соҳасининг умумий менежмент тизимида таваккалчилик (риск)ларни бошқариш алоҳида ўрин тутаяди. Шу сабабли суғурта ишини ташкил қилиш бозор инфратузилмасини шакллантиришнинг муҳим йўналиши бўлиб, унинг максади ахборот хавфсизлигини, ахборот-коммуникация воситаларининг ишончлилигини оширилишини, мулкнинг, дастурлар ва аппарат қалитларининг, мижоз ва алоқа операторларининг химояланганлигини таъминлаш учун шарт-шароит яратишдан иборатдир.

Ўтган давр мобайнида соҳада суғурта муносабатларини шакллантириш ва уни ривожлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Булар қаторига қуйидагиларни киритса бўлади:

- соҳа бошқаруви томонидан тизимда суғурта муносабатларини ривожлантириш борасида қатор қарор ва буйруқлар қабул қилинди ва уларнинг изчил назорати таъминланмоқда;

- соҳа корхона ва ташкилотларига кенг қамровли суғурта хизматларини таклиф этиб бориш мақсадида бир қатор янги суғурта хизматлари ишлаб чиқилди. Ҳозирда бу хизматларнинг сони 35 тадан ошди ва амалда таъбиқ этилмоқда;

- соҳанинг ҳудудий корхоналари ва бошқа салоҳиятли мижозларига яқинда сифатли суғурта хизматлари кўрсатиш мақсадида компаниямизнинг мамлакат ҳудудларида филиаллари ташкил этилди;

- компаниямиз ўз низоом жамғармасини ҳукумат томонидан мажбурий суғурта учун белгиланган миқдордан ошириб мажбурий суғурта хизматларини амалга ошириш имкониятига эга бўлди. Бу, ўз навбатида, соҳа корхоналарига универсал суғурта хизматлари пакетини таклиф этиш имкониятини бермоқда.

Бир сўз билан айтганда, «ALSKOM» компанияси Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси субъектларига жаҳондаги энг яхши суғурта компаниялари даражасида суғурта хизматларини таклиф этиш имкониятига эга бўлди ва бу соҳада суғурта муносабатларининг келгуси ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

АКТ соҳасида суғурта муносабатларининг мавжуд ҳолатига келсак, шунинг аниқ мисол тариқасида таъкидлаш мумкинки, суғуртавий химояланганлик даражаси бўйича соҳа мамлакат иқтисодийнинг тармоқлари ичида юқори ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Соҳа корхоналари мулкига ва ҳодимларига бахтсиз ҳодисалар оқибатида етказилган зарарларни бартараф этиш мақсадида тегишли суғурта қопламала-

ри ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлаб берилмоқда.

Соҳада суғурта муносабатларини ривожлантириш борасида қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда сезиларли муаммолар ҳам учраб турибди. Бизга маълумки, ахборот-коммуникация соҳасида кумулятив қалтисликлар рўй бериш эҳтимоли юқоридир, яъни бир бахтсиз ҳодисанинг рўй бериши оқибатида қатор носозлик ва узиллишлар рўй бериши мумкин. Бу, ўз навбатида, хизмат кўрсатиш даражасига ва, албатта, корхонанинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Ҳуш, ҳозирда бу борада мавжуд муаммоларга қайсиларни киритса бўлади?

Булар, энг аввало, соҳада қимматбаҳо ва махсус юк ҳамда почта жўнатмалари, уяли алоқа компанияларининг қимматбаҳо ускуналари, алоқа операторлари ва провайдерларнинг узатиш мосламалари ва бошқаларнинг суғурта химояси билан таъминланмаганлиги.

Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиб бориши билан янгидан пайдо бўлаётган қалтисликларни суғурталашни ташкил қилиш шу кунда ўта муҳим бўлиб қолмоқда. Бу қалтисликлар гуруҳига ахборотни ўғирлаш, йўқотиш ёки ўзгартириб қўйиш, алоқа воситаларининг ҳамда ҳисоблаш техникалари дастурларининг ишламай қолиши, вирус дастурларининг киритилиши, маълумотларнинг ноқонуний кўчирилиши кабилар қиради. Бу қалтисликлар ўзини жиддий намоеён қилмоқда. Масалан, АҚШ мутахассислари ҳисоб-китобларига кўра, бу каби қалтисликлар орқали АҚШ иқтисодиёти йилга 100 млрд. долл. зарар кўради ёки ҳукумат идоралари ва йирик компаниялар кўраётган зарарнинг 65 фоизга яқини ахборот хавфсизлигининг таъминланмаганлиги оқибатида рўй бермоқда. Шунинг ҳамда олиб, бу қалтисликларни суғурталаш механизмининг яратиш бўйича чет элдан етарли ишлар қилинган, МДХ мамлакатларида эса энди бошланмоқда. Бу борада энг асосий



қилинадиган ишлардан бири мазкур қалтисликлар классификаторини аниқлаш ва уларни баҳолаш механизмининг яратиш ҳисобланади.

Ҳозирги кундаги муҳим муаммолардан яна бири — бу соҳа ходимлари, айниқса, раҳбар кадрлар ўртасида суғурта маданиятининг етарли шаклланимаганлиги бўлиб, бу ҳолат соҳада суғурта муносабатлари ривожланишига салбий таъсир қилмоқда. Корхоналар суғурта шартномаси тузиш учун ташаббус билдирмайди, бундай ташаббус аксар ҳолда суғурта компанияси томонидан кўрсатилади. Суғурта бадалларини тўлашга етарли эътибор берилмайди, суғурта ҳодисаси рўй берганда тузилган шартномага мувофиқ ҳаракат қилинмайди. Кўп ҳолларда суғурта ҳодисаси сабаб етказилган зарар корхоналарнинг зарур ҳужжатларни расмийлаштириш, шартнома бўйича ўз ҳуқуқларини талаб этишдаги пасивликлар оқибатида қолланмай қолмоқда.

Соҳа суғурта муносабатларидаги мавжуд муаммоларни ечиш учун бир талай ишларнинг амалга оширилишини таъминлаш даркордир. Бу тadbирлар ўз навбатида суғурта муносабатларини ривожланишининг эстикболли йўналишларини ҳам белгилаб беради. Уларнинг асосийлари қуйидагилардир.

Биринчидан, соҳа корхоналари фаолияти узлуксизлигини таъминлаш мақсадида уларнинг мулк, ҳодимлари ҳамда фаолият турларини суғурта химояси билан тўла қамраб олишга эришиш лозим. Бунинг учун ҳар бир корхона суғурталаш бўйича ўз стратегиясини ишлаб чиқиши, шу асосда бизнес-режаларида тегишли тadbирларни белгилашлари ва зарур маблағлар ажратиш боришлари талаб этилади.

Иккинчидан, соҳада суғурта маданиятини талаб даражасида шакллантириш. Бу борада аниқ белгилан-

ган ўқитиш дастурларини ишлаб чиқиш орқали ҳамда суғурта соҳасининг тажрибали мутахассисларини жалб этган ҳолда махсус ўқув курсларини, семинар-тренингларни ташкил этиш.

Учинчидан, соҳа хусусиятига хос қалтисликларни суғурталаш механизмининг яратиш. Мазкур йўналишда соҳа суғурта компанияси ҳамда манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ахборот-коммуникация соҳасига хос қалтисликларни суғурталаш бўйича тегишли суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш.

Тўртинчидан, соҳада суғурталаш усулларини кенг фойдаланган ҳолда давлат томонидан тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш, хусусан, халқаро тажрибадан келиб чиқиб лицензиялаш йўналишида лицензияларнинг лицензия шартларини бажармаслик ва бузиш ҳоллари билан боғлиқ жавобгарлигини суғурталашни амалда жорий этиш.

Бешинчидан, соҳа корхоналари учун муҳим имконият ҳисобланадиган, яъни «ALSKOM» суғурта компанияси полисларини жойларда сотишни ташкил этиш орқали корхоналарнинг молиявий имкониятларини янада кўтариш. Ҳозирда «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ, «ЎзНет» ва «Ўзмобиайл» билан бу борада ўзаро ҳамкорлик ҳаракатлари амалга оширилмоқда.

Ва ниҳоят шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, соҳада суғурта муносабатларининг жадал ривожланиши нафақат соҳа корхоналари фаолиятининг барқарорлигини таъминлайди, балки унинг иқтисодий ривожланиши учун қўшимча сармомаблағларининг жалб этилишида ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Умид ЖАЛОЛОВА,
«ALSKOM» суғурта компанияси
Қашқадарё филиали менежери

Юксак марралар сари

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва «Матбуот тарқатувчи» АК ходимлари ўз олдида кундалик матбуот нашрларига обунани уюшқоқлик билан ташкил этишни мақсад қилиб қўйган.

Бугун кундалик матбуот нашрларига обуна бўлишни ва уларни тарқатишни такомиллаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси «Матбуот тарқатувчи» шўъба корхонасида назорат кенгашлари тузилиб, уларнинг аъзолари муҳим вазифаларни амалга оширишмоқда. Мазкур корхонага тегишли жойларда 13та филиал, 77та матбуот дўконлари мавжуд бўлиб, келгуси йил учун республикамизда нашр қилинадиган 50дан зиёд номдаги газета-журналларга, 20дан ортиқ маҳаллий газета ва журналларга, шунингдек, хориз нашрларига обуна мавсуми давом этмоқда.

— Корхонамизнинг ўтган 9 ойда олиб борган ишларини хулоса қиладиган бўлсак, ялпи даромадимиз 230675,7 сўмни ташкил этди. Шундан обуна бўйича 170152,2 сўмни, чакана савдо бўйича 60521,5 сўм соф фойда олдик. Корхонамиз маъмурий, амалиёт, сотиш харажатларини мониторинг қилганимизда рентабеллик 98,82 фоизни ташкил қилди, — дейди «Матбуот тарқатувчи» ШК бош ҳисобчиси Қудайназар Рейпназаров.

Корхона аҳди ўтаётган йилни юксак марралар билан якунлашни ният қилишган.

Икромбек ХОЛМУРОДОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси

Янги кўринишдаги киоск

«Матбуот тарқатувчи» АК томонидан агентликнинг 2010 йил 29 апрелдаги 173-буйруғи ижросини таъминлаш, аҳолига қўлайлик яратиш, матбуот нашрлари савдоси ва чакана савдо ҳажмини ошириш, янги хизмат турларини жорий қилиш мақсадида, жорий йилда 20та очиладиган ва йиғиладиган янги кўринишдаги матбуот дўконларини тайёрлашга берилган буюртмага асосан, тайёр бўлган киоскалар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг аҳоли гавжум бўлган марказий кўчаларига ўрнатилмоқда.

Шунингдек, компаниянинг «2011-2014 йилларда вақтли нашрларни тарқатиш тармоғини замонавийлаштириш» дастурига асосан 98та янги замонавий киосклар жойларда ўрнатилиши назарда тутилган.

Вилоятларга ўрнатиш мақсадида 50та замонавий киоск тайёрлаш компаниянинг 2011 йил бизнес-режасига киритиш мўлжалланмоқда.

«UNICON.UZ» В СОСТАВЕ УЗБЕКСКОЙ ДЕЛЕГАЦИИ НА ПОЛНОМОЧНОЙ КОНФЕРЕНЦИИ МСЭ

На Полномочной конференции МСЭ (PP-2010), проходившей с 4 по 22 октября 2010г., которая проводилась в городе Гвадалахара (Мексика) в составе узбекской делегации приняли участие директор ГУП «UNICON.UZ» А.Файзуллаев и начальник научно-исследовательского отдела информационных технологий и услуг К.Балов.

В работе конференции приняли участие в целом 2022 зарегистрированных делегата и наблюдателя из 167 Государств-Членов МСЭ, 42 Члена Секторов и организаций-наблюдателей, в том числе делегация Республики Узбекистан.

Конференцией было создано шесть комитетов: Руководящий комитет (1), Комитет по проверке полномочий (2), Редакционный комитет (3), Комитет по бюджетному контролю (4), Комитет по вопросам политики и правовым вопросам (5), Администрация и управление (6) и Рабочая Группа Пленума по Стратегическому Плану.

От РСС, А.Файзуллаев был назначен на пост заместителя председателя РГ Пленума по Стратегическому плану.

Полномочная Конференция официально утвердила команду избираемых должностных лиц Союза на ближайший четырехлетний период. Д-ру Хамадуну Туре был вручен продленный контракт на должность Генерального секретаря, такие же контракты были вручены заместителю Генерального секретаря Хоулиню Чжао и Директору Бюро Стандартизации Телекоммуникаций Малколму Джонсону. Новые избранные лица, Директор Бюро Радиосвязи г-н Франсуа Ранси и Директор Бюро Развития Телекоммуникаций г-н Брахима Сану, получили письма о своем назначении. Все они официально вступят в должность 1 января 2011 года.

На Полномочной конференции количество Государств-Членов Совета МСЭ увеличилось с 46 до 48, отразив увеличение членского состава МСЭ.

На ПК-10 были также избраны члены нового Радиорегламентарного комитета, который утверждает технические критерии, используемые Бюро радиосвязи при применении Регламента радиосвязи.

Конференция также согласовала Стратегический план МСЭ на 2012-2015 годы и приняла Финансовый план на этот же период.

Предложения Республики Узбекистан, подготовленные для РР-2010, нашли свое отражение в составе 3 общих предложений РСС для работы Конференции:

- О реализации МСЭ решений ВВУИО.

- О пересмотре уставных документов МСЭ.

- О необходимости дальнейшей кодификации положений Общего регламента конференций, ассамблей и собраний Союза.

Координатором данных общих предложений РСС был назначен представитель делегации Республики Узбекистан К. Балов, начальник НИО информационных технологий и услуг ГУП «UNICON.UZ».

По результатам рассмотрения первых двух предложений РР-2010 была принята Резолюция 140 (Пересм. Гвадалахара, 2010 г.) «Роль МСЭ в выполнении решений Всемирной встречи на высшем уровне по вопросам информационного общества» и Резолюция Ком5/1 (Гвадалахара, 2010 г.) «Создание Рабочей группы Совета по стабильному Уставу МСЭ» соответственно.

По результатам рассмотрения третьего предложения Полномочной Конференцией было принято решение направить данное предложение в Совет МСЭ для рассмотрения не-



обходимости дальнейшего упорядочения базовых текстов Союза.

Другие обсуждения на прошедшей Полномочной Конференции были посвящены следующим вопросам:

- Более широкое сотрудничество между Членами по международному вопросу государственной политики, касающимся интернета;

- Нынешняя роль МСЭ в деятельности и инициативах глобального уровня в области Кибербезопасности;

- Укрепление регионального присутствия МСЭ в целях повышения эффективности программ и видов деятельности МСЭ;

- Новые правила допуска Членов Секторов из развивающихся стран, включая снижение платы;

- Активизация деятельности МСЭ в области связи в чрезвычайных ситуациях и гуманитарной помощи;

- Необходимость внедрения конкретных стратегий по стимулированию развертывания широкополосных сетей, особенно в развивающихся странах;

- Бесплатный онлайн доступ к рекомендациям, разрабатываемым Сектором радиосвязи МСЭ.

Основные решения Полномочной Конференции нашли отражение в

соответствующих пересмотренных и новых резолюциях, опубликованных в Финальных актах.

В рамках Полномочной Конференции, состоялась церемония подписания соглашения о сотрудничестве между Региональным сообществом в области связи (РСС) и другими региональными организациями — Африканским телекоммуникационным союзом (АТУ) и Азиатско-Тихоокеанским телесообществом (АРТ), в которой также приняла участие делегация Республики Узбекистан. В рамках подписанных соглашений была принята совместная программа сотрудничества между региональными организациями.

В ходе заседаний РСС, делегациями стран участниц было высказано общее мнение о необходимости активного консолидированного участия в работе создаваемой Рабочей группы Совета по стабильному Уставу МСЭ, а также в подготовке к ВАСЭ-12, ВКМЭ-12, ВКР-12, АР-12.

В ходе работы конференции были установлены контакты с представителями администраций связи различных стран, операторов, компаний, научных учреждений, региональных организаций.

UNICON.UZ

РОЛЬ ЛОГИСТИКИ В ЭЛЕКТРОННОЙ-КОММЕРЦИИ

Интернет, являясь средством мгновенной передачи информации, перемешал страны, континенты, стер все границы, разрушил устойчивые связи и вызвал появление новых. Развитие торговых отношений с помощью интернета дало ощутимый толчок для достижения новых высот в науке, называемой — логистика. Если обратиться к истории, то решающим фактором для возникновения логистики были армия и войны.

В конце XVII века под логистикой понималась совокупность мер, направленных на обеспечение военных действий необходимым снаряжением, провиантом и боеприпасами.

Сейчас же, логистика определяется как движение сырья или товаров от места добычи до производства и от производства — до места сбыта. А если быть точнее то, логистика — это наука о планировании, контроле и управлении транспортными, складскими и прочими активами, совершаемыми в процессе доведения сырья и материалов до предприятия, а готовой продукции до потребителя, пе-

редача, хранение и обработка соответствующей информации.

За последние 10 лет в логистике произошли большие изменения. Будучи отраслью, с широкими возможностями, логистика указывает дальнейший путь развития процессов цепочки поставок, тем самым позволяя производству сосредоточиться на своих основных задачах. Традиционная цепочка поставки состоит из пяти звеньев: поставщик, производитель, дистрибьютор, розничный продавец и конечный потребитель. В некоторых отраслях электронная коммерция, вместе с информационными техноло-



гиями, делают возможным прямое взаимодействие поставщика или производителя с потребителем.

Сегодня компьютеры, электронная почта и интернет позволяют значительно сократить цикл заказа и одно-

временно создать непрерывный процесс без использования бумажной документации, удобный как для потребителя, так и для компании.

Пользуясь услугами интернет-провайдеров, потребители, будь то частные лица или корпорации, получают доступ к источникам информации, а также имеют возможность делать заказы напрямую у корпораций и общаться с другими пользователями Сети.

Снижение количества уровней управления, уменьшение количества обслуживающего персонала, повышение прозрачности и гибкости, ориентация на пользователя, снижение времени на поиск клиента, расчет доставки партии товара, уменьшение средней стоимости обработки товаро-транспортных документов, сокращение складских запасов — все это стало возможным благодаря интеграции новых логистических онлайн-решений в работу предприятия.

Нэлзи КАЛЮЖИНА,
студентка 4 курса ТУИТ

XX аср охирларига келиб, Болконда бир неча мустақил мамлакатлар – Хорватия, Черногория, Словения, Сербия ва Македония давлатлари пайдо бўлди. Уларнинг ташкил этилишига Югославиянинг бўлиниб кетиши сабаб бўлди. Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб муҳим давлат органлари ишини мувофиқлаштириш каторида миллий почта хизматлари ҳам ташкиллаштирилди. Бу давлатларнинг почта хизматларида қатор ўхшашликлар мавжуд: ушбу замонaviй коммуникация компаниялари Европа почта бозорида фаол хизмат кўрсатмоқдалар. Сифат ва тезликда Европа талаблари даражасида фаолият кўрсатиш, хизматлар доирасини кенгайтириб, хорижлик ҳамкасблари билан тенга-тенг рақобатлашишга ҳаракат қилинмоқда. Қуйида Болкон мамлакатлари почта хизматлари хақида маълумот берамиз.



БОЛҚОН МАМЛАКАТЛАРИДА ПОЧТА

СЕРБИЯ

Сербия почта хизмати (РТТ Communications "Srbija") 1990 йили ташкил этилган. Сербия почтасини миллий иқтисоднинг устунларидан бири дейиш мумкин. У мамлакатда энг йирик инфратузилмага эга етакчи логистика компанияси ҳисобланади. Ҳозирги кунда Сербияда халқаро жўнатмаларнинг 4 фоизи унга тегишли, аммо компания бу ҳиссани ошириб боришни режалаштирган. Бунинг учун хорижлик ҳамкорлар – Европа мамлакатлари почта хизматлари билан алоқаларни кенгайтириш борасида сезиларли ишлар амалга ошириляпти.

Бугунги кунда Сербияда почта хизматларини кўрсатиш 2003 йили қабул қилинган почта хизматлари ҳақидаги қонун асосида тартибга солиняпти. Мамлакатда 1530та почта бўлими мавжуд бўлиб, шундан 784таси Post Net тизимида ишлайди, 217 почта шохбаси эса ҳамкорлар – турли ташкилотлар, жумладан, савдо дўконларида жойлашган. Компанияда 15 230 ходим фаолият кўрсатади. Ҳар йили РТТ Communications "Srbija" кўрсатилган турли хизматлардан фойдаланиш учун почта бўлиmlарига 9 млн. атрофида миқдор ташриф буюради.

Учта асосий саралаш маркази 17 ҳудудий почта марказларига хизмат кўрсатади. Хат-хабарларни етказиш 1200 автомобил ҳамда 4500 почтачи кўмағида амалга оширилади. Сербияда жўнатмаларни етказиш сифати жуда юқори – хатларнинг 75 фоизи ўз эгаларига бир кун ичида етказиб берилди. Бу Европа даражасида ўртача кўрсаткич бўлса-да, РТТ Communications "Srbija" натижаларни яхшилаш борасида доимий интилишда.

Сербия почтаси бир неча компанияларнинг, жумладан, Telekom Srbija ва Сербия почта жамғарма банкининг акциядори ва муассиси ҳисобланади. Мазкур банк ҳисоблар очишдан ташқари қатор молиявий хизматларни ҳам кўрсатади.

Компаниянинг бошқа йўналишдаги фаолиятларидан – радио ва телевизион сигналларни тарқатишини кўрсатиб ўтиш мумкин. Бундан ташқари, мамлакатдаги энг йирик интернет провайдер – РТТ Net ҳам почта хизмати томонидан ташкил этилган.

Электрон коммуникация бозорига чиқиш учун ишлаб чиқилган стратегия доирасида компания томонидан кўрсатилган янги хизмат турларидан бири – "MMS ошриткалар"дир. Мазкур MMS хизмат ёрдамида Сербиянинг исталган нуқтасига ошриткалар жўнатиш имкони мавжуд.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатда почта бозори рақобат учун очиқ ҳисобланади: РТТ Communications "Srbija"дан ташқари 60дан



ортиқ маҳаллий ва битта халқаро почта оператори фаолият олиб боради. Мана шундай кескин рақобат майдонида давлат почта хизмати муваффақиятли иш юритяпти ва ривожланмоқда.

СЛОВЕНИЯ

Словения почтаси (Posta Slovenije) 1995 йили ташкил топган. 1997 йили у қайта тизимлаштирилди ва холдинг компаниясига айлантирилди. Бугунги кунда мамлакат ичида почта хизматлари 2005 йили қабул қилинган Словения почтаси хизматлари ҳақидаги ҳужжатга мувофиқ амалга оширилади.

Бозор рақобат учун очиқ: 13та рўйхатдан ўтган оператор ишлайди. Бироқ фақатгина Posta Slovenije универсал почта хизматларини кўрсатади. Ташкилотда 6643 ходим меҳнат қилади. Саккизта ҳудудий марказлар ва 550та почта бўлими томонидан ҳар йили 970 млн. хат-хабар ва жўнатмалар миқдорларга етказиб берилди.

Бутун дунёда бўлгани каби Словенияда ҳам почта жўнатмалари миқдори тушиб бормоқда. Масалан, 2010 йилининг биринчи чорағида жўнатмалар сони ўртача киши бошига 117тани ташкил этган, яъни ўтган йилгига нисбатан 8 фоизга камайган, хатлар миқдори 1 фоизга пайсанган. Анъанавий хизматларга таяниб қолмаслик учун Словения почтаси қўшимча хизматлар, жумладан, молиявий хизмат турларини ҳам ривожлантирмоқда.

Posta Slovenije мамлакатнинг логистика бўйича энг йирик оператори ҳисобланади. Бундан ташқари, Словения почта хизмати жўнатмаларни бутун Европа бўйлаб тез ва сифатли етказишда ёрдам берадиган хорижлик ҳамкорлари борлигидан ҳам фахрланади.

Давоми бор.

ALOQA OLAMIDA

Apple планшетлар бозорида яққол етакчи

Таҳлилчилар ҳисоб китобига кўра, ўтган чоракда 4,4 млн. планшет сотилган. Бу 2010 йилининг 2 чорағига нисбатан 26 фоизга кўпдир.




Учинчи чоракликда 4,19 млн. iPad сотилган, бошқача айтганда ушбу бозорнинг 95 фоизи Apple ҳиссасига тўғри келади.

Бироқ яқин вақтлар ичида вазият ўзгариши мумкин. Чунки йирик ишлаб чиқарувчилар Appleга талаб қўймоқда.

Таҳлилчилар тахминича, жорий йилда 19,5 млн. планшет компьютерлар сотилади. 2011 йили эса бозор ҳажми 55 млн. донага етади.

Энди телефонда тўртта SIM-карта

Хитойнинг Spreadtrum компанияси тўртта SIM-картани ишлатадиган дунёдаги биринчи мобил чипни ишлаб чиқарди.



SC6600L6 процессори смартфон ва мобил телефонлар учун тайёрланган бўлиб, унинг ёрдамида бир пайтнинг ўзида бир неча SIM-картадан фойдаланиш мумкин.

Internet Explorer 9 – ғолиб

Worldwide Web Consortium (W3C) ташкилоти HTML5 асосида

браузерларни биринчи расмий текширувдан ўтказди. Унга кўра IE9нинг олтинчи синов талқини энг юқори балл тўлаб Google Chrome, Mozilla Firefox, Opera ва Apple Safariларни ортда қолдирди.



Эслатиб ўтагимиз, HTML5 веб-саҳифалар тили 2008 йилдан буён ишлаб чиқилмоқда. У глобал тармоқда ишлашни бирмунча осонлаштириши лозим. Internet Explorer 9 браузерни ҳам ҳали якуний шаклда тақдим этилгани йўқ. Унинг бета-талқинлари пайдо бўлганига олти ойча бўлди.

Google нуқсонлар учун мукофот беради

Google корпорациясининг расмий блогида интернет-хавфсизликни ошириш йўналишида янги ташаббус бўйича маълумот пайдо бўлди. Бундан буён ушбу гигант қидирув тизими Google ва унинг турли лойиҳаларидан нуқсон топган фойдаланувчиларга 500дан 3000 долларгача мукофот тўлайди.



Интернет материаллари асосида тайёрланди

ТАТУ филиалларида учрашув

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори, Тошкент ахборот технологиялари университети ректори **Ҳаким Мухитдинов** ТАТУ Қарши филиалининг профессор-ўқитувчилари билан учрашув ўтказди.

Филиаллардаги ўқув-тарбиявий ишларнинг олиб борилиши, таълим сифати ва самардорлигини ошириш, эртанги кун мутахассисларини тайёрлашда профессор-ўқитувчилар олдида турган муҳим вазифаларни ҳолис ва ошқора тарзда белгилаб олиш мақсадида бўлиб ўтган учрашувда вилоятда фаолият олиб бораётган Агентлик тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, етакчи мутахассислари иштирок этдилар.

Учрашувда Ҳ.Мухитдинов университет филиаллари билан танишганлиги, давлатимиз раҳбарининг жойлардаги иқтисодий ислохотлар билан танишиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасидаги ташрифи мубайнида Нукус филиалида бўлгани, ўқув жараёнлари билан танишганлиги, филиаллар тузилган ишчи гуруҳ вакиллари томонидан ўрганиб чиқилганлиги тўғрисида тўхталиб, университет салоҳиятини янада ошириш, таъ-

лим сифатини кўтариш, малакали педагог-ўқитувчиларни жамлаш хусусида сўз юритиб, соҳа йўналиши бўйича профессор-ўқитувчиларнинг етишмаслигини алоҳида таъкиллаб ўтди.

Шунингдек, кейинги пайтда университет билан унинг филиаллари ўртасида алоқаларнинг узилиб қолганлиги, малакали мутахассислар тайёрлашнинг долзарблиги, илмий изланишлар олиб боришдаги сусткашлик, вилоятга рақамли телевидениени олиб киришда мутахассисларнинг етишмаслиги, талабаларга назарий билимларни амалиётга боғлаб ўтишнинг афзаллик томонлари, мутахассислик фанлари бўйича илмий ишлар кўламини кенгайтириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтди.

Йиғилишда соҳавий, касбий таълим машғулотларини корхона ва ташкилотларнинг етук мутахассислари иштирокида олиб боришни ташкил этиш, хорижий тилларни ўқитишда самарадорликка эришиш, фили-

алдаги ишлаб чиқариш лабораториясини кенгайтириш, ахборот-ресурс марказини ўқув ва бадий адабиётлар билан бойитиш лозимлиги таъкилланиб, маънавий-маърифий ишларни кучайтириш, келгусида филиалда фаоллар зали, спорт мажмуаси каби иншоотларни барпо этиш борасида фикрлар билдирди.

Йиғилишда ЎзААА Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиги Бахтиёр Жабборов, ТАТУ Қарши филиали директори Одибек Турғунов, филиал директорининг ўринбосари Муслим Муродов, "ЎИ-Қарши" филиали директори Холмирза Курбонов, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиали директори ўринбосари Ориф Маҳмудов ва бошқалар сўзга чиқиб, кадрлар тайёрлаш миллий дастури, малакали мутахассисларни тайёрлашда амалий машғулотларни олиб бориш ҳамда корхоналар томонидан ҳамкорлик ишларини жадваллаштириш лозимлигини айтиб ўтдилар.

Йиғилиш сўнггида қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

* * *

Шундай учрашув ТАТУнинг Самарқанд вилоятида ҳам бўлиб ўтди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори, Тошкент ахборот технологиялари университети ректори Ҳ.Мухитдинов вилоят алоқа корхоналари раҳбарлари ҳамда университет профессор-ўқитувчилари билан учрашди. Учрашувда Ҳ.Мухитдинов сўзга чиқиб, филиал фаолиятига батафсил тўхталди.

Университет филиалида 93 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатмоқда. 2005-2009 йиллар давомида ўқиган 20 нафар аспирантдан бирортаси ҳам диссертация ҳимоя қила олмаган. Университет битирувчилари диплом ишларини бугунги замонавий технологиялар талаби даражасида эмас, аксинча 15-20 йил олдинги алоқа қурилмалари асосида ёкламоқдалар. Битирувчиларни университетда ишга қолдириш ташкил этилмаган.

Ўқитувчиларнинг кўпчилиги кунлик матбуот ва телевидениедан хабардор бўлмаганлиги туфайли

бугунги кундаги сиёсий ва ижтимоий воқеалардан баҳар қолмоқдалар. Бундан тўғри хулоса чиқариб, ҳар бир профессор-ўқитувчи ёки корхона раҳбар-ҳодимлари газета-журналлар ва телевидение орқали кунлик сиёсий ва маънавий билимларини ошириб бормоқлари керак.

Ишлаб чиқариш билан университет талабалари ўртасида умуман боелиқлик йўқ. Энг ачинарлиси шундаки, университет қoшидаги лабораторияларда ишлаб турган бирорта ҳам замонавий алоқа қурилмалари мавжуд эмас.

Бош директор ҳар бир корхона раҳбари ҳамда ходимлари ўз устида тинмай ишлаши, чет тилини билиши, имкон қадар илмий даража олиш учун ҳаракат қилмоғи кераклигини алоҳида таъкидлади.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
"Xabar"нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири


Қадриятлар фестивали

Яқинда Фарғона шаҳар имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган республика касб-ҳунар коллежида турли жанрларни қамраб олган "Қадриятларни қадрлаган ёшлар" мавзусида фестивал ўтказилди. Саломлашиш қадриятларини қадрлаш мавзусига оид саҳна кўринишлари, янги аъёнлар руқнда чиқишлар фестивал иштирокчиларида ҳаяжон ва хуш кайфият ўйотди.

Тартиб бўйича коллеж бўлимлари белгиланган навбатда чиқишлар қилдилар. Ахборот-кутубхона бўлими ўқувчилари шарт бўйича қадриятларимиз асоси бўлган миллий кураш, арқон тортиш, дор ўйини, дилрабо кўшиқ ва рақс каби кўринишларни маҳорат билан намойиш этишди. Компютер бўлими ўқувчиларининг чиқиши, шартга кўра, тўлақонли маҳоратни касб этиб, Б.Маннопов, Ш.Аззамжонова, У.Қурбонов ва С.Бадаловларнинг драматик қобилиятлари кўпчиликка манзур бўлди. Тикунчилик бўлими қатнашчиларининг чиқишлари кўпчиликнинг диққатини ўзига торди. Шарт бўйича белгиланган ҳар бир намойиш томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Радиотелевизион бўлим ўқувчилари томонидан соҳага оид замонавий макет ва модемлар ихтиролари И.Жалолов, С.Иброҳимова ва Ж.Отажоновлар томонидан намойиш этилди.

Мазкур тадбир аждоқларимиз мероси бўлган миллий қадриятларимиз ёшларимиз ҳаётида юксак даражада кадр ва ёзоз топганлигининг ёрқин ифодасидир.

Мухаммаджон МАҲМУДОВ



Дастурлаш бўйича жаҳон чемпионати

Жорий йилнинг 29-30 октябр кунлари Тошкент ахборот технологиялари университетида MIDDLE ASIA минтақаси бўйича талабалар ўртасидаги дастурлаш бўйича жаҳон чемпионатининг аъёнларий чорак финал босқичи ўтказилди. Ушбу босқичда республика-камиз олий таълим муассасаларидан жами 60 нафардан ортиқ жамоа иштирок этди. Чорак финал босқичи яқунларига кўра, MSU Tashkent 1 жамоаси 1-ўринни, Tashkent U of IT 1 жамоаси 2-ўринни, MSU Tashkent 3 жамоаси 3-ўринни ва AI-Khorezmy 3 жамоаси 4-ўринни эгаллади.

Иигирмата жамоа "Фаол иштирок этганлиги учун", 1-7 ўрин олган жамоаларга эса "мос ўринли" сертификатлар берилди. 1-3-ўринни олган жамоанинг ҳар бир аъзоси сертификат ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Олий таълим муассасаларининг танланган жамоалари ўртасидаги дастурлаш бўйича талабаларнинг жамоавий жаҳон чемпионати (ICPC — International Collegiate Programming Contest) 1977 йилдан буён компютер дунёсида юқори мавқега эга бўлган ACM — Association for Computing Machinery халқаро ташкилоти томонидан ўтказилиб келинади. Ушбу мусобақалар дунё компютер оламида энг мавқели ёш дастурчиларнинг интеллектуал беллашувларидан биридир. Мусобақаларга дунёнинг етакчи компютер фирмалари томонидан ўзларини малакали кадрлар билан тўлдирувчи манба сифатида қаралади ва аъёнларий тарзда йирик корпорациялар томонидан қўллаб-қувватланиб келинади. Охириги йилларда бу жаҳон чемпионати янада оммавийлашиб бормоқда. Ушбу мусобақа Ўзбекистонда 2002 йилдан бери ўтказилиб келинади. MIDDLE ASIA минтақаси бўйича ТАТУ марказий университет этиб белгиланган бўлиб, унинг минтақавий директори мазкур университетининг ўқув ишлари проректори ҳисобланади.

Дастурлаш бўйича жаҳон чемпионати уч босқичда: чорак финал, ярим финал ва финал босқичларида ўтказилди. Мусобақа қондаларига биноан, олий таълим муассасасининг уч талабадан иборат жамоасига битта компютер, масалаларнинг мураккаблик даражасига ва сонига қараб 5 соат вақт ажратилади. Берилган вақт мобайнида ҳар бир команда бтадан 12тагача инглиз тилидаги масалани ечиши керак. Масаланинг ечими сифатида рухсат этилган дастурлаш тилларининг бирида ёзилган, ҳажми 256 Кбайтгача бўлган дастур коди тушунилади. Чорак финал мусобақалари натижаларидан келиб чиқиб ярим финал мусобақалари ташкил этилади.

Биз ярим финалга чиққан гуруҳларга омад тилаб қоламиз!

Ў.ҲАМДАМОВ,
ТАТУ Ўзбек-Ҳинд маркази раҳбари

Дунё дурдоналари — дунё китоблари. Булар, «Хамса», «Икромнома», Румий «Маснавийлар»и, «Кунда», «Утган кунлар», «Телба», «Анна Каренина», «Алвидо, Кирил», «Тинч Дон», «Бегона», «Навий», «Калила ва Димна», «Ёлғизликнинг юз йили», «Уста ва Маргарита», «Мехробдан чаён», «Одамийлик киссаси», «Қизил ва кора», «Амакиваччалар», «Хаёт», «Тирилиш», «Абадият», «Мувозанат»...

Энди шошилмай бир мушоҳадалайлик. Ақлни нима қарлайди — китоб. Онгни нима ривожлантиради — китоб. Истеъдодни нима шакллантиради — китоб. Хаёт йўлини нима ўргатади — китоб. Олимларимиз ниманинг таъсирида илмий кашфиётлар қилишади — китобнинг. Тарбиянинг энг зўрини нимадан ўрганимиз — китобдан. Бутун Ёр юзи

миз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ озаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астраномия, меъморчилик,

ишлаши учун моддий-техник базамизни мустақамлашимиз керак. Компютерлар, қўшимча техника ва замонавий мосламалар керак.

Ютуқларимиз билан бир қаторда камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Бугунги кун китобхоналарига талаб даражасида хизмат кўрсатиш учун янги русумдаги техника воситалари етишмайди.

Китобхоналарнинг ахборотга бўлган талабини қондириш учун янги адабиётлар ва вақтли матбуот нашрларининг электрон шакллари билан кутубхона фондиди комплекшлаш учун молиявий маблағлар талаб этилади.

Интернет тармоғидан фойдаланиш учун молиявий маблағ ажратилмаганлиги сабабли,

Маънавий бойлик

қонунлари нималарга мужжасамлашади — китобларга. Маънавий-маърифий бойликларимизчи, албатта китобларга. «Компютеризм» соҳаси қандай кашф этилди — китоблар таъсирида. Шифокорлар жон бераётган инсон ҳаётини сақлаб қолиш илмларини қаердан ўрганиши — китобдан... Демак, биз, биринчи навбатда, китоблар кўз қорачигидек сақланадиган жой, маънавий бойликларимиз ҳисобланмиш кутубхоналар мавқеини, ахборот-кутубхоналар фаолиятини ҳар томонлама кўтаришимиз керак экан. Чунки, кутубхоналар хизматларичалик жамиятимизга, инсонларимизга, юртимизга бегараз хизмат қиладиган маънавий масканлар бўлмаса керак.

Умуман, китобсиз яшаш — ваҳшийликдир менинг назаримда. Тириклик — бу фақат кайфу сафо билан яшаш эмас, китоб ўқиш ҳам керак, аслида.

Айримларнинг “Замонавий технологиялар оммалашувининг китоб ўқишга таъсири бўлмоқда”, деган нотўғри фикрига қўшилмайман.

Азал-азалдан биз зиёлилар кутубхонага зиё, нурхона, маърифат, маънавият, маданият масканлари деган эзгу таърифлар беришга одатланганмиз. Бундай таърифлар жуда ҳам тўғри таърифлардир.

Кутубхонанинг зиё, маънавият, маърифат, маданият, нур таратишини юракдан, қалбдан ҳис этаман. Чунки, мен шу масканда ишлайман. Фаолиятим давомида шунинг ағлаб етдим-ки, кутубхонада бўлган киши тез муддатда маънан бойийди. Нафақат билими, балки шуури ҳам ёришади.

Масалан, бизнинг кутубхона мисолида олиб қарайдиган бўлсак, биргина миллий-ахлоқий кадрларни кенг қўламада тарғиб қилишимиз, халқнинг маданий-тарихий меросидан бахраманд бўлишни таъминлаш, маънавий бой ва уйғун камол топган китобхон ижоди ўсиши учун яратилган шароитларнинг ўзиёқ, хоҳлаган ҳар қандай китобхонга кўтаринки руҳ бағишлайди.

Зеро, Юрбошимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарига ёзилганидек: “Аждодларимиз

деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиз ҳисобланади”. Демак, бир савол майдонга тушади. Хўш, шу бойликларни сақлаш ва улардан эркин фойдаланиш учун нима қилмоқ керак?! Жавоб эса оддий — ахборот-кутубхона фаолиятини янада тараққий эттириш, жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган даражага олиб чиқмоқ даркор.

Бугунги кунда республикамызда 11 минг 850 дан ортиқроқ ахборот-кутубхона институтлари мавжуд. Ахборот-кутубхона марказлари сони 14тани, ахборот-ресурс марказлари 2761 тани, давлат ҳокимияти органлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари кутубхоналари эса 9078 тани ташкил этади.

Бу масканларда китобхоналарга хизмат кўрсатиш, жаҳон андозаларга мослиги туфайли бўлса керакки, улардан фойдаланувчилар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Ҳозирда фаолият юритаётган ахборот-кутубхона марказларининг умумий китоб захираси 5 млн. нусхага эга бўлиб, фойдаланувчилар сони 145 мингдан ортиқдир.

Бизнинг кутубхона ахборот-ресурс марказида ҳам хизмат кўрсатиш самардорлигини ошириш борасида катта ишлар олиб бориляпти, китоб фондларининг электрон ресурслари яратилляпти, деярли барча кутубхоначилик жараёнлари электрон каталоглари ишлаб турибди. Лекин, ахборот-ресурс марказимизнинг янада самаралироқ

кутубхона интернет тармоғининг энг арзон хизмат турига уланган, бу эса китобхоналарга катта қийинчиликлар туғдирмоқда.

Йилнинг ёгингарчилик мавсумларида кутубхона биносининг тоmidан сув оқиб кетиши китоблар ва кутубхона жиҳозларининг аҳволига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2010 йил 8 сентябрдаги ҳайъат мажлиси қарори билан Асосий кутубхона биносини таъмирлаш учун 150 миллион сўм маблағ ажратилди ва таъмирлаш ишлари режалаштирилмоқда.

Кутубхона 24та илмий текшириш муассасаларининг кутубхона тармоқлари ишига методик ва илмий ёрдам кўрсатади. Ҳозирги вақтда кутубхонада саккизта бўлим мавжуд бўлиб, тўртта қироатхона ишлаб турибди. Самимийлик, ўзаро ҳўрмат, кутубхона ишидаги юксак маданият муҳлисларимиз сонини кун сайин кўпайтирмоқда. Бир йилда 32 мингдан ортиқ китобхонга хизмат кўрсатамиз.

Хулоса ўрнида шундай дейиш мумкинки, маънавий бойлигимиз — кутубхоналарга, айниқса, кутубхоналар ахборот-ресурс марказларига эътиборимизни янада кучайтиришимиз керак. Зеро, маънавият — бу халқнинг, давлатнинг, мамлакатнинг энг буюк куч-қудратидир

Насриддин БОТИРОВ,
ЎзФА Асосий кутубхонаси
матбуот хизмати котиби

➔ КИТОВ ЖАВОНИГИЗГА

Изоҳли ЛУГАТ

БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан “Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли лугати” номли китобнинг иккинчи наشري чоп этилди.

Унда АКТ соҳасидаги 400дан ортиқ замонавий тушунча, уларнинг изоҳлари, 450дан ортиқ тегишли расмлар, 20та рангли илова, халқаро ва миллий



доменлар турлари, жаҳон ва Ўзбекистон АКТ ривожининг тарихий саналари, ўзбекча-инглизча АКТ лугати, русча-ўзбекча АКТ лугатлари билан бойитилган ва мазмунни яққол ёритиб бера оладиган алоҳида рангли иловалар қўшилган.

Телекоммуникация, интернет, тармоқ, веб, дастурлашга оид 400дан ортиқ атамалар ва қисқартмаларни ўз ичига олган изоҳли лугат А.Пушкин номидаги ахборот-кутубхона маркази томонидан Самарқанд гарнизонига қарашли 11та ҳарбий кутубхонага тақдим этилди. Ушбу лугат аскарларимиз учун ахборот-коммуникация технологиялари билан яқиндан танишишларига хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Маҳбуба КУЛОВА,
АКМ бўлим мудри

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

“Сирдарё Телеком” филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабани уюшмаси қўмитаси ҳамда Сайхунбод тумани телекоммуникациялар боғламаси жамоалари боғлама етакчи муҳандиси Мансур СУЛТОНОВни қутлуг 50 ёши билан самимий муборакбод этади. Унга мустақкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий бахт-саодат, фарзандлари бахту иқболлини кўришгини тилайди.

“Фарғона Телеком” филиали жамоаси Данғара тумани телекоммуникациялар боғламаси ходими Иномжон АБДУЛЛАЕВни ҳамда филиал ходими Юнусали ҚЎЗИБОЕВни 55 ёшга тўлишлари муносабати билан чин дилдан қутлайди. Уларга мустақкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар бахту иқболлини кўришгини тилайди.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Бағдод ва Яйпан почта алоқаси тармоқлари ходимлари Мамаюсуф ХИДИРОВни 55 ёши ва Эргашали ПАРМОНОВни 50 ёши билан табриклайди. Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, фарзандлар камоллини кўришгини тилайди.

“МТС-Ўзбекистон” хизматлар нархи арзонлаштирилди

“МТС-Ўзбекистон” компанияси “Овозли хат” хизмати нархи 20 фоизга арзонлашганини маълум қилди.



2010 йил 1 ноябрдан бошлаб 1та овозли СМС-хабар юбориш нархи \$0,05 дан \$0,04га арзонлаштирилди.

Эслатиб ўтамиз, «Овозли хат» хизматидан фойдаланган «МТС-Ўзбекистон» абонентлари оддий СМС-хабарлар орқали бўлганидек, воқеа ҳақида шунчаки маълумот берибгина қолмай, балки овоз ёрдамида ҳис-туйғу ва таассуротлар улашиб, ўз ҳиссиётларини изҳор қилишлари мумкин.

Овозли хабарни юбориш учун абонентлар «Овозли хат» қабул қилувчи рақамини қуйидаги шаклда теришлари керак: 998XXXXXXX, бунда XX — минтақага қараб хизмат кўрсатувчи оператор коди, xxxxxx — қабул қилувчи абонент рақами.

Овозли сигналдан кейин ўз хабарингизни ёзинг, ёзишни тугатиш учун # босинг.

Қабул қилувчи овозли хабарни эшитиши учун 88 рақамини териши керак.

Абонентга келган барча хабарларни келган вақтдан бошлаб 15 кун ичида эшитиш мумкин.

“МТС-Ўзбекистон” компанияси томонидан 2010 йил 1 ноябрдан бошлаб абонентларга мулоқотнинг кенгроқ имкониятларини тақдим этувчи «Видеокўнгирик» хизматидан фойдаланишнинг бир дақиқаси \$0,02 гача арзонлаштирилди.

«Видеокўнгирик» хизматига бир вақтда гап-лашиш ва тасвир узатиш мумкин. Ундан фойдаланган абонентлар суҳбат вақтида суҳбатловшини эшитибгина қолмай, балки уни кўриши ҳам мумкин.

«Компаниямиз абонентлар кўшимча хизматлардан фойдаланишлари учун қулайроқ имкониятлар яратиб беришга доимо интилади. Биз «Видеокўнгирик» хизматидан фойдаланиш нархларининг арзонлашуви кўп сонли абонентларимизга ушбу хизматдан яна ҳам фаолроқ фойдаланиш имкониятини беради деб ишонч билдираемиз», — деб таъкидлади “МТС-Ўзбекистон” компанияси бош директорининг тижорат бўйича ўринбосари Н.Шодмонов.

Хизматдан фойдаланиш учун абонент 3G технологиясига мослашган телефон ва 3G тармоғи амалда бўлган ҳудудда бўлиши керак.

GSM ҳамда 3G тармоқлари ривожини

“Билайн” пойтахт ва Тошкент

вилояти
ҳудудида
GSM ва 3G
тармоқларини
камров ҳудуди
кенгайтирилишини маълум
қилди.



Мазкур ҳодисани “Билайн”нинг Тошкент минтақавий филиали директори Шухрат Тўхтабоев шундай шарҳлади: “Компания абонентларининг катта қисмига хизмат кўрсатётган бизнинг филиалимиз аҳоли яшайдиган туманларни деярли юз фоиз қоплайди. Шу боис ҳамда абонент базаси ўсгани сабабли, асбоб-ускунани ўрнатиш, асосан, тармоқни кенгайтиришга эмас, балки “Билайн” алоқаси сифатини янада оширишга қаратилган. Ўз ўзидан, 3G тармоқларини кенг жорий этиш нафақат пойтахтда, балки вилоятда ҳам бизнинг стратегик устувор вазибаларимиздан ҳисобланади”.

Янги базавий станциялар қурилиши Оққўрғон, Бекобод, Фазалкент, Келес, Пекент ва Чирчиқ шаҳарларининг радиокамровини яхшилаш учун хизмат қилди. Қўшимча асбоб-ускуналар ўрнатилиши билан Кўшгепа ва Хонобод аҳоли масканларида, шунингдек, Оққўрғон-Сайхун трассасида тармоқ сизими кенгайтирилди. Бундан ташқари, сўнгги вақтда Тошкентнинг аҳоли яшайдиган туманларида 3G тармоғини амал қилиш ҳудуди учдан бир қисмдан ортиқ миқдорда кенгайтирилган.

SMS такси

“Билайн” “SMS такси” янги хизмати ишга туширилганлигини маълум қилди.

Энди “Билайн” абонентлари SMS орқали 3553 қисқа рақамга манзилни ҳамда келиш вақтини жўнатиб, таксига буюртма беришлари мумкин.

Мазкур воқеани шарҳлар экан, “Юнител”нинг Жамоатчилик билан ишлаш бўлими катта менежери Ораз Абдуразоқов шундай деди: “Кўп ҳолларда биз кўнгирик қилиб, такси чақириш учун имкон бўлмаган вазиятга тушиб қоламиз — масалан, тунги клубда, театр ёки кинода. Айнан шу ҳолларда “Билайн” абонентлари ёрдамига бизнинг “SMS такси” янги сервисимиз келади”.

Битта хабарнинг қиймати — \$0,05. Йулкира ҳақи — “Taksi Lider” ва “Premier Taxi” компаниялари тарифларига мувофиқ.



Сурхон
(Туркум)

Ҳаким Термизий мақбарасида

Ҳаким бобо
Қаршингизда
Хаёл этдим иродат.
Дуо кутдим пойингизда
Сезиб сиру синоат.
Тегарамни чаллаб кўрдим,
Ўз ҳолимга яраша.
Бир ён кўм-кўк арча эса
Бир ён ўтин, тараша.
Ким бировлар рўҳингизга
Изҳор айлар садоқат.
Ким бировга томошасиз
Ёким сайру саёҳат.
Биллолмадим, кимни алқаб,
Кимга инсоф тилайсиз.
Кўларимиз исмингизни
Ҳатто равон билмаймиз.
Хослигимиз ҳамин қалар,
Нима гурур, нима шон.
Ҳар не бўлса Сиз бизлардан
Розин бўлинг, бобоҷон.
Инсоф сўранг барчамизга
Дуонингиз ижобат,
Қувват бўлсин фаҳмимизга,
Алл бўлсин фаросат.
Мозий чалган кўнгироқлар
Қулоқларга етсин, денг.
Туронзамин ҳақиқатин
Қадрига ҳам етсин, денг.
Самолардан ўтсам,
Бу замонни кўзга суртиб,
Шу заминдан ўргилсин.
Дуо қилинг бобоҷон,
Тафаккурлар эврилсин.
Ҳар не бўлса қабул бўлсин,
Юз бўлмасин қирмизи.
Бизнинг учун улўғ ҳикмат
Сизсиз Ҳаким Термизий.

Маёқ

Замонлар ораси дейилар асп,
Давлатлар ораси чегара, худуд.
Бу рамзий талқинми ёки кўҳна сир
Барига шохидсан, Туронзамин юрт.
Бо тақорроқ англадинг, чин ҳақиқатни
Хаёлда жонларан чўнг мозий изи.
Аспур чегарага дарвоза бўлиб
Белор посбон турар Ҳаким Термизий.
Утмишу келажак замон сийғаси
Бунда яшилланган нурафшон шукур.
Қабр беркитолмас бир кашфу ҳолни
Масрур таралмоқда фахру ташаккур.

Эътироф

Ҳар диёр узгача,
Ҳар эл узгача,
Қиёс деганлари оддий бир тимсол.
Бойсун тоғларидан то Термизгача,
Менга йўлдош бўлди шундайин хаёл.

Ўзим ўзим билан айладим гурун,
Боботғ бошига суртик қоридай.
Сурхоннинг суваратин ким чиза олар
Кўзини ранг этган Рўзи Чоридай?

Шукур Холмирзани тусайди кўнгил,
У таъриф этсаю, мен кулоқ тутсам:
Далалари мисли муниса сингил,
Қобил акасига тўқир беқасам.

Ва яна ахтардим Маҳмуд Намозни,
Бирга куллашмоқни айладим жазм.
Бу гўзал воҳани кўшиқ қилмоқчун,
Англадим, шу ерда туғилмоқ лозим.

Бунда ҳар нарсанинг тотти узгача,
Унинг ифодаси кўчмиш кузига.
Таъриф тополмадим яна бошқача:
Сурхон ўхшар экан фақат ўзига.

Сурхоннинг МУСТАФОЕВ

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

“БЕКЗОД-ШАХЗОДБЕК ОМАДИ” хусусий корхонасининг (Бухоро вилояти) халқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002561 рақамли;

“ЯШИЛ НИШОН” хусусий корхонасининг (Сурхондарё вилояти) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002236 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2010 йил 27 октябрдан тугатилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан “АНДИЖОН ВИЛОЯТ КАБЕЛ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ” масъулияти чекланган жамиятга кабелли телевидение фаолиятини тартибга солувчи амалдаги қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва лицензия шартнома талабларига риоя қилиш юзасидан 2010 йил 3 майда 16-8/1797-сон кўрсатма берилишига қарамастан, жамият томонидан “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 31-моддаси ҳамда лицензия келишувининг 4.9 ва 6.2-бандлари талаблари қўпол равишда бузилиши сабабли “АНДИЖОН ВИЛОЯТ КАБЕЛ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ” масъулияти чекланган жамиятнинг (Андижон вилояти) теледастурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000964 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2010 йил 28 октябрдан бошлаб 10 иш кунига тўхтатилди.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНИШДИ!

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг «Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси аъзоларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Фармонга кўра, футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида Аргентинада ўтказилган 2010 йилги жаҳон чемпионатида голибликни қўлга киритиб, халқаро мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишда жасорат ва матонат намунасини кўрсатгани учун куйидагилар мукофотланди:

«Дўстлик» ордени билан
Кариев Рустам Игамбердие-

вич – Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг бош мураббийи

Турсунбоев Хайдарали Умаралиевич – Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

«Жасорат» медали билан
Арапов Мухаммадиз Хакимович – Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

Рустамов Умарали Махмудович – Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

Тураҳужаев Қудрат Сайдилаҳужаевич – Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси.

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИГА ТАРАДДУД

Жорий йилнинг 12-27 ноябр кунлари Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтказиладиган Осиё ўйинларининг бокс мусобақасида тўлиқ таркиб – 10 нафар чарм қўлқоп устаси билан қатнашадиган Ўзбекистон миллий терма жамоаси бўлажак беллашувларга пухта ҳозирлик кўрмоқда.

– Хитойдаги Осиё ўйинлари боксчиларимиз учун 2012 йили Лондонда бўладиган XXX ёғи Олимпия ўйинларига тайёргарлик вазифини ўтайди, – дейди бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Шароф Худойбердиев. – Шу билан бир қаторда бу нуфузли мусобақада терма жамоамиз аъзоларининг имкониятлари синовдан ўтказилади.

Гуанчжоу шаҳри мезбонлик қилаётган навбатдаги Осиё ўйинларида ҳам муҳлису мутахассисларнинг боксчиларимиздан умиди катта. Ўзбекистон бокс федерацияси томонидан спортчиларимиз бўлажак мусобақага пухта ҳозирлик кўриши учун етарли

шароит яратилди. Боксчилар малакали мураббийлар ва мутахассислар раҳбарлигида кўп босқичли машғулотларни ўтамоқда. Ҳамюртларимиз июн ойида Эквадорнинг Кито шаҳрида Ўзбекистон, Пуэрто-Рико, Доминикан Республикаси ҳамда мезбонлар ҳамкорлигида ўтказилган машғулотларда қатнашиб, тажриба ва маҳоратини оширди.

Ўзбекистон бокс федерацияси томонидан шу йилнинг сентябр-октябр ойларида пойтахтимизда ташкил этилган ўқув-машғулот йигинларида боксчиларимиз билан бирга Жазоир ва Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоалари вакиллари ҳам қатнашди.

Терма жамоанинг асосий таркибидан икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев, Орзубек Шоимов, Хуршид Тожибоев, Ўқтам Раҳмонов, Шахриёр Исоқов, Элшод Расулов, Мирзохид Абдуллаев, Жасур Латипов, Сардор Абдуллаев ва Санжар Раҳмоновлар жой олган.



ЎСМИРЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА!

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Тошкентда давом этаётган Осиё чемпионатининг чорак финал баҳсида суриялик тенгдошларини қабул қилиб, 2:1 ҳисобида муҳим ғалабага эришти ва келаси йили Мексикада ўтказиладиган Жаҳон чемпионатида йўлланмани қўлга киритди.

Жамоа сардори Аббосбек Махталиев ва ҳужумчи Тимур Ҳақимов томонидан киритилган голлар Алексей Евстафеев шогирдларининг тарихий ғалабасига замин яратди.

ЎЗБЕКИСТОН – СУРИЯ – 2:1

Голлар: Аббос Махталиев 36, Тимур Ҳақимов (83) – Ҳуссам Омр 62

Ўсмирларимиз ғалабали олимларини ярим финалда ҳам давом эттирди. Австралиялик тенгқурларига қарши майдонга тушган Евстафеев шогирдлари ўйинни фаоллик билан бошлашди. Ҳужумларнинг бирида меҳмонлар жарима майдончаси яқинида ўйин қондасини бузишди. Шерикларидан тўпни сўраб олган жамоа сардори, кучли зарба билан Иззо қўриқлаётган дарвозанинг олис пастки бурчагини аниқ нишонга олди – 1:0.

Голдан руҳланган жамоамиз ўйинчилари ҳужумни асло сусайтиришмади. Гол уриш учун бир қатор вазиятлар содир этилди. Бироқ, вакилларимизга омад ҳалеганда кулиб боқавермади. Биринчи бўлим тугашига 2 дақиқа қолганда эса рақибимиз бурчак тўпи тепиш ҳуқуқини қўлга киритди. Вудкок чап оёқда тўпни шундай айлантирдик, тўп тўғри дарвозабонимиз қўлига тегиб дарвозага тушди – 1:1.

Иккинчи бўлимни вакилларимиз янада фаоллик билан бошлашди. Ҳужумда хилма-хилли давом этди. Муҳлисларни хавотирда ушлаб турган ҳисоб ўйиннинг сўнги дақиқасига келиб бизнинг фойдамизга ҳал бўлди. Тиниб-тинчимас сардоримиз барибир мақсадига етди. Аввал катта қўйинчилик эвазига тўпни майдонда олиб қолди. Натижада австралияликлар узоқлаштирган тўп Асилжон Раҳмоновга келиб тушди. Ўнг қанот ярим ҳимоячиси 35-40 метрлардан дарвозага кучли зарба берди, уни Иззо қўлидан чиқариб юборди. Аббос эса дарвозабон билан юзма-юз ҳолатда дарвозабонни осонгина доғда қолдирди!

ЎЗБЕКИСТОН – АВСТРАЛИЯ – 2:1

Голлар: Аббос Махситаев 17, 90 – Вудкок 43

Ниҳоят, финалдамиз! Ҳал қилувчи финал баҳси 7 ноябр куни «Пахтакор» марказий ўйингоҳида бўлиб ўтди. Унда вакилларимиз Осиё чемпионлиги учун кураш олиб борадилар.

Спортимиз салоҳияти намойиши

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўرғазмалар залида Баркамол авлод йилига бағишланган «Спортэкспо – 2010» анъанавий спортга ихтисослашган кўрғазма ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Шарқ яққаурашлари ва жанг санъатини ривожлантириш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўрғазмалар кураш, ўзбек жанг санъати, кикбоксинг, каратэ, ушу, муайтай, қўл жанги сингари кўплаб спорт федерациялари фаолиятига, ушбу спорт тури билан шугулланаётган ёшларимизнинг халқаро майдонларда эришган муваффақиятларига бағишланган экспонатлар – улар қўлга киритган турли кубоклар, медаллар, фотосуратлар кенг ўрин олди.

Кўрғазмада, шунингдек, мамлакатимизнинг спорт инвентарлари, кийим-кечак ва дори-дармон ишлаб чиқарувчи етакчи корхоналарининг маҳсулотлари ҳам намойиш этилди.

Ўтганларнинг охираги обод бўлсин

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ жамоаси Навоий филиали директори Йўлдошмурот Жўлиевга волидаи муҳтарамаси
Мунаввар аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Навоий филиали директори Йўлдошмурод Жўлиевга волидаи муҳтарамаси
Мунаввар аянинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиралади.

Сабина Шарипова – бош соврин эгаси

Малайзияда Халқаро теннис федерацияси томонидан хотин-қизлар ўртасида ўтказилаётган нуфузли халқаро турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Сабина Шарипова жуфтлик беллашувларида зафар кучли.

Индонезиялик Санди Гумуля билан бирга иккинчи рақамли дуэтни ташкил қилган Сабина ҳал қилувчи беллашувда ҳиндистонлик Рушми Чакраварти ҳамда франциялик Элоди Ротге-Дитрихдан 6:3, 6:2 ҳисобида устун келиб, мусобақа голиби бўлди.

16 ёшли Сабина Шарипова бу ғалаба билан кифояланиб қолмади. Турнирнинг энг кучли иштирокчиси сифатида биринчи рақамда сараланган Ўзбекистонлик теннисчи яққалик беллашувларида ҳам муваффақият қозонди. Аввалига ҳиндистонлик Совжания Бависеттини 6:0, 6:3, америкалик Ивана Кингни 6:1, 6:4, франциялик Элоди Ротге-Дитрихни 6:3, 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб финалга чиқди.

Бош соврин учун учрашувда иккинчи рақамли теннисчи Санди Гумуля (Индонезия) билан рақобатлашган Сабина Шарипова рақибаси устидан 6:4, 6:3 ҳисобида зафар кучли.

Коваленко Осиё

Ўйинларида катнашади

Ўзбекистонлик етакчи ҳакамлардан бири – Валентин Коваленко ва унинг ёрдამчилари Андрей Букагинлар Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтадиган XVI Осиё Ўйинларининг футбол мусобақаларини бошқариш учун таклиф этилдилар. Улар кеча Хитойга учиб кетишди. Футбол мусобақалари 7 – 25 ноябр кунлари оралигида бўлиб ўтади.

Насимов — мавсум кашфиёти!

Озарбойжонда биринчи давра ўйинлари яқунланди. Azerisport.com интернет нашри турли йўналишлар бўйича биринчи давра яқунларига хулоса берди. Унга кўра, ҳамюртимиз Баҳордир Насимов мавсум кашфиётига айланди.

Бу йўналишда Баҳордир Насимовга тенг келадиган футболчи топилмади. «Нефтчи»нинг «Рубин»дан ижарага олинган ҳужумчиси 11 баҳсда 12та гол муаллифига айланди. У фақат 2та ўйинда – «Хазар»-Ленкоран ва АЗАЛ жамоалари қарши ўйинларда гол ура олмади, холос. У бир марта – август ойининг энг яхши футболчиси бўлишга ҳам улгурди.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

«Xabar» газетаси тахририяти 2011 йилги обуна мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш ва ўқувчилари сафини янада кенгайтириш мақсадида ҳар йилгидек **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**

Танлов шартига кўра «Xabar»га:

- 1500 нусхада тўла бир йиллик** обуна ташкил этган:
- «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ филиалларининг ҳар бири — **КОМПЮТЕР**;
 - Агентлик ҳудудий бошқармаларининг ҳар бири — **МОБИЛ ТЕЛЕФОН**;
 - **200 нусхада тўла бир йиллик** обуна ташкил этган туман почта алоқаси тармоқлари — **250 МИНГ СЎМ**;
 - **100 нусхада тўла бир йиллик** обуна уюштирган алоқа бўлимлари — **150 МИНГ СЎМ** билан мукофотланади.

Шунингдек:

- 1000 нусхада тўлиқ бир йиллик** обуна ташкил этган:
- «Ўзбектелеком» АК тизимидаги филиалларнинг ҳар бирига — **КОМПЮТЕР**;
 - «Матбуот тарқатувчи» АКнинг вилоятлардаги жамият ва шўба корхоналарининг ҳар бирига — **МОБИЛ ТЕЛЕФОН**;
 - Алоқа соҳасидан бошқа ташкилот, корхона ва муассасалардан энг кўп обуна ташкиллаштирган хабарчи ёки обуна билан шуғулланадиган махсус ходим (агент) — **100 МИНГ СЎМ** билан тақдирланади.
- Танловда фаол иштирок этган ташкилот ва корхоналарга ҳам тахририят ўзининг **МАХСУС СОВРИНЛАРИ**ни тақдим этади.



**Обуна мавсуми якунларига кўра,
танлов ғолиблари газетада эълон қилинади.**

Мукофотлар сизни кутмоқда!



Телефонлар: 288-40-72, 288-40-69, 288-40-66.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асаджон ХҲҲАЕВ, Миродил САНГИЛОВ,
Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувои НАҲБИДИНОВ, Рустам
ҚОСИМОВ, Содиқжон ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир
ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда «Xabar» дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ❊

Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер
базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Усмоножон ЙҮЛДОШЕВ.

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2006 йил
6 декабрда рўйхатга олинган.

Газета
ҳафтанинг
жума куни
чиқадди

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

G-1002 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма
табоқ. Адади: 10166 нусха.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

Вилоят
муҳбирлари:

Андижонда
226-47-80

Бухорода
223-27-85

Гулистонда
40-12-19

Жиззахда
226-06-34

Навоида
225-91-10

Наманганда
226-61-85

Нукусда
554-35-45

Самарқандда
233-61-81

Термизда
224-06-12

Тошкентда
288-40-66

Урганчада
226-37-16

Фарғонада
226-87-71

Қаршида
314-08-99